

ЎРТА ОСИЁДА МИЛЛИЙ-ХУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШНИНГ ЎТКАЗИЛИШИ ҲАМДА ХОРАЗМ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТУГАТИЛИШИ

Бахтигул Мамадаминова,

“Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти”
миллий тадқиқот университети доценти

Аннотация: Мазкур мақолада Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланишнинг ўтказилиши шунингдек Хоразм Республикасининг тугатилиши таҳлил қилинган. XX аср 20-йиллари ўрталарига келиб, миллий-худудий чегараланишга фақат Туркистон Республикасигина эмас, балки Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларининг ҳам тортилиши масаласи кўрилди. Бу вақтда Бухоро ва Хоразм республикалари ҳукукий жihatдан ҳали мустақил суверен давлатлар ҳисобланарди. Ўрта Осиёнинг миллий чегаралаш масаласи Москвада тўлиқ қўллаб-қувватланди. Чунки бу вақтга келиб Марказнинг партия раҳбариятида чегаралаш масаласи аниқ ифодаланган асосий мақсадга айланиб қолган эди. 1924 йил февраль – март ойларида Ўрта Осиёни миллий чегаралаш масаласи Хоразмда бўлиб ўтган кенгашларда ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, Хива шаҳри масъул ходимлари кенгашларида Хоразм Республикасини миллий чегаралаш зарурлиги масаласи кескин мунозараларга сабаб бўлди.

Калит сўзлар: ХССР, Хоразм Совет Социалистик Республикаси, Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш, Туркистон Автоном Совет Республикаси, миллий-худудий чегараланиш, ўзбеклар, қозоқлар, қарақалпоқлар, туркманлар.

Аннотация: В данной статье анализируется осуществление национально-территориального размежевания в Средней Азии, а также прекращение существования Хорезмской Республики. К середине 20-х годов 20 века в национально-территориальное размежевание были вовлечены не только Республика Туркестан, но Бухарская Народная Республика и Хорезмская Народная Республика. В то время республики Бухара и Хорезм еще были юридически независимыми суверенными государствами. В Москве полностью поддерживали вопрос о национальном размежевании Средней Азии. Потому что к этому времени вопрос демаркации стал четко сформулированной главной целью партийного руководства Центра.

Ключевые слова: ХССР, Хорезмская Советская Социалистическая Республика, национально-территориальное размежевание в Средней Азии, Туркестанская АССР, национально-территориальное размежевание, узбеки, казахи, каракалпаки, туркмены.

Annotation: This article analyses the implementation of national-territorial demarcation in Central Asia, as well as the termination of the Republic of Khorezm. By the mid-20s of the 20th century, not only the Republic of Turkestan, but also the People's Republics of Bukhara and Khorezm were involved in national-territorial demarcation. At that time, the republics of Bukhara and Khorezm were still legally independent sovereign states. The issue of national demarcation of Central Asia was fully supported in Moscow. Because by this time, the issue of demarcation had become a clearly stated main goal of the party leadership of the Centre. In February-March 1924, the issue of national demarcation of Central Asia was also discussed at the councils held in Khorezm. In particular, the issue of the need for the national demarcation of the Republic of Khorezm was the cause of heated discussions in the councils of Khiva city officials.

Key words: USSR, Khorezm Soviet Socialist Republic, national-territorial demarcation in Central Asia, Turkestan Autonomous Soviet Republic, national-territorial demarcation, Uzbeks, Kazakhs, Karakalpaks, Turkmens.

1924 йил бошларига келганда Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР)да халқ хўжалиги ва иқтисодиётини тиклаш ҳамда ривожлантириш соҳасидаги ютуқлар бу ерда миллий масалани ҳал этишдаги қўллаб қийинчиликлар ва муаммолар билан биргаликда юз берди. ХССР худудидида азалдан ўзбеклар қўпчиликлари ташкил қилган. Бироқ бу ерда туркманлар, қозоқлар ва

қорақалпоқлар ҳам маҳаллий аҳоли сифатида мавжуд бўлган. XX аср бошлари ва кейинчалик бу ерда яшаган туркий аҳоли кўпчилиги ўзини хоразмликлар ёки хиваликлар деб атаган.

Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларида 1918 – 1924 йилларда совет ҳокимияти ва большевиклар томонидан миллий масалани ҳал қилишда муайян натижаларга эришилди. ХХСР таркибида бу даврда аввал Туркман вилояти, сўнгра Қozoқ-Қорақалпоқ автоном вилояти ташкил қилинди. Туркистон АССР таркибидаги Закаспий области 1924 йилда Туркман [Туркменистон] областига айлантирилди. 1920 йил кузида Қирғизистон АССР [аслида Қozoғистон АССР] тузилиб РСФСР таркибига киритилган эди.

Расмий маълумотларда келтирилишича, 1924 йилда Ўрта Осиё республикаларида яшаётган ўзбекларнинг 66,5 фоизи Туркистон АССРда, 22,2 фоизи Бухоро ва 11,3 фоизи Хоразм республикаларида яшар эди. Ўрта Осиёдаги ҳамма туркманларнинг 43,2 фоизи Туркистонда, 27 фоизи Бухорода ва 29,8 фоизи Хоразмда яшар эди. Ўрта Осиё республикаларидаги тожикларнинг 47,7 фоизи Туркистон АССРда, 52,3 фоизи Бухоро Республикасида истиқомат қилган [1].

Туркистон минтақасини миллий-ҳудудий жиҳатдан қайта чегаралаш Марказ ва РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси томонидан ишлаб чиқилди ва 1924 йилнинг бошларида у ўзининг сўнгги босқичига кирди.

РКП(б) МКнинг Ташкилий бюроси ўзининг 1924 йил 31 январдаги мажлисида бошқа масалалар билан бир қаторда Туркистон, Бухоро, Хоразм Республикаларининг миллий-ҳудудий чегараланиши тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди ва Я.Э. Рудзутакка мазкур республикаларнинг масъул ходимлари билан биргаликда бу ғояни амалда қандай рўёбга чиқариш мумкинлигини олдиндан муҳокама қилиб кўришни топширди [2].

Яқинда чоп этилган иккита китобдан иборат “Ўзбекистон тарихи” номли фундаментал тадқиқотда таъкидланганидек, Хоразм ва Бухоро Халқ Республикаларининг мустақиллиги бу давр охирига келиб нисбатда ҳаёлий хусусиятга эга эди. Ҳақиқатда улар мустақилликни қўлдан бой берган эдилар. Учта республиканинг иқтисодий жиҳатдан бирлашуви ва Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг тузилиши, Хоразм ва Бухоро Коммунистик партияларининг РКП(б) таркибига кириши ва РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг ташкил этилиши, Россия билан Бухоро ва Хоразм Республикалари ўртасида янги иқтисодий битимларнинг тузилиши, пул муомаласининг бирхиллашуви (унга Россия червонининг асос қилиб олиниши) натижасида, бу давлатларга сиёсий, иқтисодий, молиявий жиҳатдан ҳукмронлик қилиш бутунлай Москва ихтиёрига ўтди.

Шу тариқа, РСФСР таркибига кирган Туркистон Автоном Совет Республикасини янгитдан чегаралаш ҳақидаги большевиклар ғояси XX аср 20-йиллари ўрталарига келиб, анча кенг миқёс касб этган вазифага – миллий-ҳудудий чегараланишга фақат Туркистон Республикасигина эмас, балки Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларининг ҳам тортилиши масаласига айланиб кетди. Бу вақтда Бухоро ва Хоразм республикалари ҳуқуқий жиҳатдан ҳали мустақил суверен давлатлар ҳисобланарди. Ўрта Осиёнинг миллий чегаралаш масаласи Москвада тўлиқ қўллаб-қувватланди. Чунки бу вақтга келиб Марказнинг партия раҳбариятида чегаралаш масаласи аниқ ифодаланган асосий мақсадга айланиб қолган эди.

1924 йил февраль – март ойларида Ўрта Осиёни миллий чегаралаш масаласи Хоразмда бўлиб ўтган кенгашларда ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, Хива шаҳри масъул ходимлари кенгашларида Хоразм Республикасини миллий чегаралаш зарурлиги масаласи кескин мунозараларга сабаб бўлди.

Хоразмда 1924 йил кузида миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилишидан сал олдин ХССР ҳудуди маъмурий жиҳатдан учта вилоят ва битта туманга ажратилди. Республика шимолида Қozoқ-Қорақалпоқ вилояти (области); ўрта қисмида Тошовуз вилояти; жанубий қисми – Амударё қирғoқларида Янги Урганч вилояти; воҳанинг жануби-ғарбий ва жануби-шарқий қисмида Хива тумани (райони) ташкил қилинди.

ХССР таркибидаги вилоятлар ва Хива тумани қуйидаги шўролардан⁷ ташкил топган:

⁷ Волость ижроия комитетига тенг бўлган кичик маъмурий-ҳудудий бошқарув шакли Хоразмда шўролар дейилган. Ўша

Қозоқ-Қорақалпоқ вилояти: Қўнғирот, Қўхна Урганч, Хўжайли, Шуманай.

Янги Урганч вилояти: Бешариқ (Боғот), Гурлан, Дарғонота, Қипчоқ, Қиёт-Қўнғирот, Кат, Манғит, Янги Урганч, Питнак, Садивар, Шовот, Ҳазорасп, Хонқа, Хитой (Қтай).

Тошовуз вилояти: Анбар-Манок, Иляли, Қиличбой, Қўкчага, Порсу, Тошховуз, Тахтабозор.

Хива тумани: Оқ Дарбанд, Остона, Ғазавот, Гужи, Кирман, алоҳида Хива тумани, Янгиариқ [3].

Бу рўйхатдан кўриниб турибдики, Хоразмдаги айрим шўролар номи ўзбек халқи таркибига сингиб кетган турли туркий уруғлар: қўнғирот, қипчоқ, қиёт, манғит, хитой [қтай; кидан] номлари билан юритилган. Аввал ҳам айтиб ўтилганидек, ҳатто битта вилоятнинг номи Қозоқ-Қорақалпоқ бўлиб, у иккита халқ: қозоқлар ва қорақалпоқларнинг номларидан иборат бўлган. Бундай туркий уруғлар орасида қўнғирот, манғит, қипчоқ сингари жуда катта нуфузга эга бўлган уруғлар бўлган. Бухоро Республикаси ҳамда Туркистон АССРнинг Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги туманлар ва кентлар номланишида эса биз бундай ҳолатни деярли кўрмаймиз.

Хоразм Республикасида миллий чегараланиш масаласи дастлаб 1924 йил февралда Хоразм Компартияси Марказий Комитетининг мажлисларидан бирида муҳокама қилинган эди. Лекин ўша пайтда мажлис ХКП Марказий Комитетининг Ижроия бюросига РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг аъзоси И.Межлаукнинг мазкур масала хусусидаги хабарини маълумотга олишни таклиф қилиши билан чекланди [4].

Хоразм Компартияси раҳбариятида миллий чегараланишга турлича муносабат пайдо бўлган эди. 1924 йил 3 мартда бўлган ХКП МК Ижроия бюроси мажлисида ахборот тартибида РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг аъзоси И.Межлаукнинг миллий-худудий чегараланиш тўғрисидаги маърузаси тингланди ва муҳокама қилинди [5].

Март ойининг ўрталарида Хивада бўлиб ўтган партия-совет фаоллари йиғилишида бу масала яна қўйилди. Йиғилиш қабул қилган қарорда эътироф қилинишича, «Хоразм Республикаси миллий белги бўйича чегараланади ва тегишли районлар Ўрта Осиёнинг янги ташкил этилаётган республикаларига (Ўзбекистон, Туркменистон ва Ҳоказо), мабодо бордию, шундай республикалар ажраладиган бўлса, қиради».

1924 йил 5 апрелда РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси Ўрта Осиё коммунистик ташкилотларининг Туркистон, Бухоро ва Хоразмни миллий чегаралаш тўғрисидаги таклифини олдиндан кўриб чиқди. РКП(б) МК бу таклифни асосан маъқуллади, лекин Туркистон, Бухоро ва Хоразм Компартияси вакиллари бўлган делегатларга РКП(б) XIII съезди учун зарур материаллар келтириш мажбуриятини юклаб, масалани хал қилишни май ойининг охиригача кечиктирди. РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларининг кўриб чиқишлари учун миллий-худудий чегараланишга оид ўз мулохазаларини географик карталар илова қилган ҳолда тайёрлаш ва топшириш таклиф этилди [6].

Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилишининг барча масалалари Марказ томонидан РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросига топширилди. Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларидаги аҳоли ва миллий раҳбар ходимларнинг бу соҳадаги айрим ҳақли эътирозлари инобатга олинмади. Хусусан, Хоразм Республикаси ва Хоразм Компартияси раҳбарияти, кўплаб хоразмлик миллий ходимлар бу соҳада ўз фикрларини илгари суриб, Марказ сиёсатига қарши чиқдилар.

Бироқ 1924 йил 28 апрелда бўлган РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси мажлисида Ўрта Осиё республикалари микёсида миллий-худудий белгилар бўйича чегараланиш ўтказиш вақти келди деб ҳисобланди ҳамда бу ҳақда махсус қарор қабул қилинди. Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланишни ўтказиш билан боғлиқ барча масалалар бўйича марказий комиссия (айрим ҳужжатларда у умумий комиссия деб юритилади) тузилди. Бу комиссия 10 майгача ўз ишини тугатиш ва барча таклифларини РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросига маълум қилиши керак эди [7].

Умумий комиссиялар билан бир қаторда миллий ёрдамчи комиссиялар (подкомиссиялар) ёки кичик комиссиялар ҳам тузилди. Уларнинг дастлабки йиғилиш ва кенгашлари 1924 пайтдаги шўролар ҳудуди тахминан ҳозирги Ўзбекистондаги йирик туманлар ҳудудига тенг бўлган.

йил май ойи бошларида бўлиб ўтди. Бу ёрдамчи комиссиялар Ўрта Осиё совет миллий республикалари ва автоном областлари барпо этилишига доир ўз таклифларини ишлаб чиқди, миллий республикалар ва областлар чегараларини тахминан белгилади ва бошқа масалаларни кўриб чиқди.

Кичик комиссияларнинг маърузалари РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси махсус Комиссиясининг 1924 йил 10 майдаги мажлисида, 11 майда эса РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросида тингланди. Бюро махсус комиссия ва унинг кичик комиссиялари ишининг якунларини муҳокама қилиб, улар ишлаб чиққан Ўрта Осиёнинг миллий-худудий чегараланишининг аниқ режасини тасдиқлади. Қабул қилинган қарорда бундай дейилган эди:

«1. Туркистон, Бухоро ва Хоразм Республикаларини миллий-худудий белгиларига кўра чегаралаш зарур деб топилсин, янги ташкил этилаётган миллий-худудий бирлашмалардан федерация ташкил этилмасин.

2. Ўзбекистон ва Туркменистон Республикалари ташкил этилсин ва улар мустақил ССР ҳуқуқларига эга бўлсин ва бевосита СССРга кирсин. Ўзбекистон Республикаси доирасида Тожикистон автоном вилояти ташкил этилсин. Қирғизистон автоном вилояти ташкил этилсин: Қирғизистон автоном вилояти қайси республика таркибига кириши масаласи очик қолдирилсин. 3. Туркистон Республикасида яшайдиган козоқлар ҳозирги вақтда мавжуд бўлиб турган Қирғизистон [Қозоғистон] республикасига киритилсин»[15].

Бироқ бу масалада Хоразм Республикаси раҳбариятининг ўз қарашлари бўлган. Хоразм Компартияси Марказий Комитети масъул секретари Қаландар Одинаев, Марказий Комитет аъзоси Маткарим Абдусаломов ва бошқа миллий раҳбар ходимлар миллий-худудий чегараланишга ошкора равишда қарши чиққанлар. Улар Хоразмнинг ўзига хос табиий ва жуғрофик ҳамда миллий-маданий хусусиятларини ҳисобга олиб, уни алоҳида федератив республика сифатида СССР таркибига қўшилиш таклифини илгари сурганлар. Бу миллий раҳбарлар ўз қарашлари ифодаланган ғоя ва таклифлари ифодаланган турли мактублар ва мурожаатномаларини бир неча марта Тошкент ва Москвадаги турли юқори органларга юборганлар.

1924 йил 8 майда Хоразм Компартияси Марказий Комитети масъул котиби Қ. Одинаев Хоразм ССРда миллий-худудий чегараланишни ўтказмаслик кераклиги тўғрисида хат йўллаган эди. Бу мактубга ундан ташқари Хоразмнинг Москвадаги мухтор элчиси М. Абдусаломов, ХС-СРнинг Тошкентдаги бош консули Р. Ёқубов ва ХССР Госпланининг раиси Шулимов ҳам имзо чекишган эдилар [8].

Бу пайтда Ўрта Осиё иқтисодий конференцияси ишида қатнашиш учун келган Хоразм делегацияси аъзолари РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раисига «Хоразмда миллий масаланинг ҳал қилиниши тўғрисида мактуб» топширдилар, унда Хоразмни мустақил маъмурий район сифатида ўзининг аввалги доирасида қолдириш, шунингдек, Хоразм Республикаси билан Туркистон АССРнинг Амударё вилоятини ўзаро бирлаштириш таклиф қилинган эди. Юқорида айтиб ўтилганидек, аслида, бу Хоразмда чегараланиш ўтказилишини рад қилишни англатган. Шунинг учун Ўрта Осиё бюроси бу фикрни инкор этди, ўз қарорларининг биринчи бандига Хоразм Республикасини ҳам киритди.

Хоразм Компартияси Марказий Комитети Ижроия бюроси бу даврда қатъий позицияда туриб, Хоразмда чегараланиш ўтказилишига қарши чиқди. Хоразм Компартияси Марказий Комитети масъул котиби Қ. Одинаев 1924 йил 2 июнда РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси Я.Рудзутак номига телеграмма жўнатиб, унда яна бир марта Хоразмни федератив республика сифатида сақлаб қолишни сўради. Бу телеграммага ундан ташқари ХКП МК Ижроия бюроси аъзоси М. Абдусаломов, ЭКОСО раиси Ўроз Ирманов, ГПУ раиси Карим Болтаев, Хоразмнинг Тошкентдаги консули Р. Ёқубов имзо чекишган эди[14]. Баъзи тарихий адабиётларда бу телеграммага РСФСРдан юборилган махсус комиссия раиси Г. Бройдо ҳам қўл қўйган деб нотўғри кўрсатилади.

Шу муносабат билан 1924 йил 12 июнда бўлиб ўтган РКП(б) МК Сиёсий бюроси йиғилишида Ўрта Осиё бюросининг мажлисга тайёрлаган материалларига тегишли тузатишлар киритишга

мажбур бўлинди. Сиёсий бюро Хоразм Республикасини миллий чегараланишга жалб қилмай, олдинги холида қолдиришга қарор қилди.

Бироқ бу қарор Марказнинг тактик чекиниши бўлиб, улар тез орада ўз мақсадларини амалга оширувчи кишиларни Хоразмга жўнатиб, улар қўли билан “чегараланиш масаласи”ни Хоразмда ҳам узил-кесил хал қилишга эришдилар. Шунинг учун ҳам РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг қарори билан “мустақил Хоразм Республикаси” ва Хоразм Коммунистик партияси раҳбарлари алмаштирилди.

1924 йил 15 июнда РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси махсус қарор чиқариб, Хоразм Коммунистик партияси Марказий Комитети масъул котиби Қаландар Одинаевни ўз вазифасидан озод қилиб, уни “қайта тарбиялаш” учун РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ихтиёрига қақриб олди. Бу лавозимга Москвадаги Шарқ халқлари коммунистик университети битирувчиси, ёш ва ғайратчан коммунист Исоқ Хонсуворов қўйилди. Исоқ Хонсуворов Марказ топшириқларини Хоразмда “партиянинг ленинча-сталинча доно миллий сиёсати” йўлидан оғишмай амалга ошириши керак эди.

Бундан ташқари 1924 йил август ойида Хоразм Халқ Нозирлар Шўроси раиси Бекжон Назаров ишдан олиниб, бу вазифага Тошкентдан юборилган Саъдуллаҳўжа Турсунхўжаев тайинланди. Бутунхоразм Марказий Ижроия Қўмитаси раиси хоразмлик ўзбек Султонқори Жуманиёзов ўрнини Тошкентдан юборилган туркман Нодирбой Айтоқов эгаллади[9]. Ҳукумат ва давлат бошқаруви таркибида бошқа ўзгаришлар ҳам амалга оширилди.

Айнан ХССР ҳамда Хоразм Компартиясининг янги раҳбарлари Хоразмда социалистик ўзгаришларни фаол амалга оширишга киришдилар. Улар Ўрта Осиёда ўтказилаётган миллий-худудий чегараланиш жараёнига Хоразмни ҳам тортиб, бу ерда Марказ топшириқлари асосида бу ва бошқа сиёсий тадбирларни қарор топтиришди.

Хуллас, РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси Хоразм Компартияси Марказий Комитети таркибини янгиллагач ҳамда бошқарувда хоразмликлар ўрнини Тошкент ва Москвадан юборилган “тажрибали партия, совет ва хўжалик раҳбарлари” билан алмаштиргач, ўз режаларини силлиқлик билан амалга ошира бошлади. Хоразм Компартияси Марказий Комитетининг янгиланган таркиби 1924 йил 26 июнда аввал 9 июнда қабул қилинган қарорни бекор қилди ҳамда Хоразм учун ҳам миллий чегараланишнинг зарурлигини эътироф этди. РКП(б) МК Сиёсий бюроси Ўрта Осиё бюросининг таклифи билан яна бу масалага қайтди ва Хоразмни Бухоро ҳамда Туркистон республикалари билан бир қаторда миллий-худудий чегараланиш жараёнига қўшди.

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. “Революционный Восток” (Москва). 1934. №6.
2. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917 – 1939 йиллар.
3. Материалы по районированию Средней Азии. Кн.2. Территория и население Бухары и Хорезма. Часть 2.
4. Хорезм. С приложением административно-этнографической карты б. Хорезмской республики. – Ташкент: Издание Комиссии по районированию Средней Азии, 1926.
5. Ўзбекистон МДА, Р-72-фонд, 1-рўйхат, 26-иш, 5-10-варақлар.
6. Турсунов Х.Т. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши. – Тошкент: Ўзбекистон ССР ФА нашриёти, 1958.
7. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор: Р.Я.Раджапова. – Ташкент: “Шарқ”, 2000.
8. Хоразм тарихи. II жилд.
9. Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача).Тўлдирилган ва қайта ишланган олтинчи нашр. – Тошкент: “O’zbekiston”, 2015.

10. Bakhtigul Abdupattaevna Mamadaminova. Some Considerations about the Socio-Political Movements of Young Khivans / International Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD), Special Issue –IDMR 2021 April 2021. -P 50-52. @ www.ijtsrd.com
11. Mamadaminova Bakhtigul Abdupattaevna. The State of Waqf Property in the Khorezm People's Soviet Republic. Journal of Ethics and Diversity in International Communication (JEDIC). Volume: 1 Issue: 7, 2021.-Pp.42-44. E-ISSN: 2792- 4017. www.openaccessjournals.eu
12. Mamadaminova Bakhtigul Abdupattaevna The situation of education and its changes in KH-PSR // REMIE, Multidisciplinari Journal of Educational Research 2022. Pp-1-7
13. Mamadaminova Bakhtigul Abdupattayevna Economic Life in Khorezm in 1921-1924. And Processes in Cotton Growing // EUROPEAN JOURNAL OF LIFE SAFETY AND STABILITY (EJLSS) ISSN 2660-9630 www.ejlss.indexedresearch.org Volume 15, 2022.
14. *Ўрта Осиё коммунистик ташилотларининг тарихи.* – Б. 784.
15. *Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар).* Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917 – 1939 йиллар. – Б.297.

ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРДА АГРАР СОҲА МУТАХАССИСЛАРНИНГ МАДАНИЙ-МАИШИЙ ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ботирова Ҳалима Эшмаматовна,
*“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
 механизациялаш муҳандислари институти” ва
 Миллий тадқиқот университети “Гуманитар
 фанлар” кафедраси доценти в.б,
 Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd).*

Аннотация: Ушбу мақолада Республикаимизнинг жанубий ҳудудларда спорт соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижасида қишлоқда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида асосий эътибор соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилди. Қишлоқ аҳолисини, айниқса, ёш авлодни жисмонан ва маънавий камол топиши учун махсус давлат дастурлари қабул қилинди ва амалиётга жорий қилинди.

Таянчсўз ва иборалар: **соғлом турмуш тарзи, қишлоқ маҳаллаларида спортни оммалаштириш, маданий-маиший турмуш шароитини янада яхшилаш, спорт майдончалари.**

Аннотация: В данной статье в результате реформ, проводимых в спортивной сфере в южных регионах нашей Республики, основное внимание уделялось формированию здорового образа жизни с целью улучшения условий жизни населения на селе. Были приняты и претворены в жизнь специальные государственные программы физического и духовного развития сельского населения, особенно подрастающего поколения.

Ключевые слова и фразы: здоровый образ жизни, популяризация спорта в сельской местности, дальнейшее улучшение культурно-бытовых условий жизни, спортивные площадки.

Abstract: In this article, as a result of the reforms carried out in the sphere of sports in the southern regions of our Republic, the main attention was paid to the formation of a healthy lifestyle in order to improve the living conditions of the population in rural areas. Special state programs for the physical and spiritual development of the rural population, especially the younger generation, were adopted and implemented.

Key words and phrases: healthy lifestyle, popularization of sports in rural areas, further improvement of cultural and living conditions, sports grounds.

Республикаимизнинг жанубий вилоятларида аграр соҳа мутахассисларнинг маданий-маиший турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида асосий эътибор соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилди. Қишлоқ аҳолисини, айниқса, ёш авлодни